


Сабр дарахти

УСТОЗ ШУКРУЛЛОГА

Дину диёнат йўлида барча қийинчиликларга сабр қилгувчи Инсон учун гўё қўлида ёниб турган лаққачўғни ушлаб турган каби замонлар келади.

«ҲАДИС»ДАН

Фотиҳлар неки бор бирваракай ямлардилар – динлар, эҳромлар, қабилалар, буддалар – ҳамма-ҳаммаси – пинжларидаги катта қанорлар ичида гойиб бўларди. Улар йўлларида учраган жамики нарсани тупроқ билан тенг қилиб босиб ўтардилар. Аммо ваҳший оломон изида этикларидан, соқолларидан, дубулғаларидан ёргутошлар каби тўкиб борарди нурланаётган сўзларни, ўзимизда қолаётган порлоқ... тилни. Биз ютқиздик... Биз ютуқнинг устидан чиқиб қолдик. Улар бизнинг олтинларимизни тортиб олдилар ва бизга олтинлар қолдирдилар... Улар бизнинг боримизни тортиб олдилар ва бизга барини қолдирдилар... Улар қолдирдилар бизга сўзларни.

Пабло НЕРУДА

ШОИР

Шундай кўз ўнгида хиёнат қилган хотини,
Салтанат – тахтидан мангу қувилган султон,
Роса юз йил томчи сувга ташна бўлган зот.
Сочлари оқарган,
Яраси қонаган овоз.

1980

МУКТИБОДҲ[65] ДУОСИ

О Шива[66]! Халоскор Шива, мадад бер,
Токай шундоқ қолур муқаддас бу ер?
Кундуз талвасада, кеча жон узган,
Сўқир вужудларнинг шаҳпарлари йўқ,
Руҳ ташлаб кетилган уй каби тўзган,
Кўз – туман пинжида сўнаётган чўғ.
Оёқлар қалашган ўтин тусида,
Чарчаган, чополмас муйлишда қув-қув,
Юракнинг энг чуқур қоронғисида
Ғор ичра беркинган сингари қўрқув.
Ул бўшлиқ, бемантиқ меҳроб имдоди,
Ундан ўлим ҳиди гуп этиб урар.
Умиднинг, илҳомнинг, гулнинг жаллоди
Қонли қиличини сермаб югурар,
О Шива, халоскор Шива, мадад бер,
Токай шундоқ қолур муқаддас бу ер?
Токи пул, амалдир ҳукми ом чиндан,
Ахлоқ есирликда, имон қолгай тул?
Нафосат – бир латта, этик ичинда,
Кўрки, инсонликнинг қиммати бир пул!
Қўй йўқдир, пул дея бақирар девор,
Пул дея ёқангдан олар хотининг...
Деҳлида ким бордир?! У жойда ким бор?!
Охири бормидир, ахир, бу туннинг?
Тили кесилгандек чулдирар биров,
Суваб, чалпиб борар босган изини.
Унга одам зоти кела билмас дов,
Ғайри тилда айтар Ватан сўзини.
Ул сохта бир шоир, қартабон, лаққи,
Чўталга онасин қўяр гаровга.
Кўксини чангаллаб ялтоқ мунаққид
Даҳо истеъдод деб кўтарар ғавғо.

Садоқат миннатин қилар беҳаё,
Кўпдан қолиб кетган вафодор ж...б,
Нафратларим унга, эй булғонч ҳаёт,
Мендан не истайдир пичоғин ялаб?!
О Шива, халоскор Шива, мадад бер,
Токай шундоқ қолур муқаддас бу ер?
Мен шоир, шу ожиз ҳолимда яна,
Шеъримни тинглаган девор-да соқов.
Шафиқ Сарасвати қилсин тантана,
Унда йўқдир амал, унга йўқдир ғов.
О қутлуғ калима, о мағрур Инсон,
Маҳрингга тушмишдир оқ тонг, қаро тун.
Инсон орзусидан иборат осмон
Бори замин узра ёймиш қанотин.
Ул осмон дарёси Ганг бўлсин кўзгу,
Мен ёниб куйладим, яшадим ҳалол.
Барчани тенг кўрсам – матлабим эзгу,
Миллатим қалбига кирсам бемалол.
Сотилган виждонлар, номуслар йиғлар...
Кўзимга ҳурликнинг шабнами инди.
Фақат ўликлар-ку абадий ухлар,
Шеърим, кечаларни кесиб уч энди.
Эркинлик бор алҳол тоғлар ортинда,
Юзингни яширма, Аруна[67], сен ҳам.
Қачон тонг отадир менинг юртимда,
Қачон адо бўлур ғамга ботган ғам?!
О Шива, халоскор Шива, мадад бер,
Токай шундоқ қолур муқаддас бу ер?
Қуёшнинг элчиси турар йўлакда,
Ташрифидан бўлмиш чаманлар бунёд.
Дунё кўзи ёрар, олов кўйлакда
Уйқудан уйғонур тирик бир дунё.
О Шива, халоскор Шива, мадад бер.

1981

* * *

Эртага бошқа кун бўлажак,
Худди кечаги кунга ўхшаш.
Роландо ЭСКАРДО[68]

Бугун яшаш керак. Ҳа. Худди бугун,
Бугун яшаш керак чирқираб, яшнаб,
Йўқ, бошқа чора йўқ энди. Йўқ энди.
Чоранинг бугуни бор, холос: Бугун.
Бугун яшаш керак. Худди бугун. Бас.

1981

* * *

Юрагимдан маскан ахтариб
Милтирайди, нурланади шам,
Интиламан юрагим сари,
Интиламан шуълага ўхшаб.

Ундан ёруғ товуш келади,
Шамол унда то саҳар, то шом.
Ўз дардини ўзи билади,
Милтирайди, нурланади шам.

1965

* * *

Қўрқув
Доимо биргадир, доимо,
Ўзи билан ўзи ўралашиб қолмас ҳеч,
Улуғ юракларнинг муваққат ижарачиси –
У оғироёқ хотини билан яшар
Сизнинг уйингизда.

1979

ЖАВОБ

Қорлар ёғди. Қиздирди офтоб. Недир бахт деб сўрадим, бироқ ўзи билан ўзи овора бахтиёрлар бермади жавоб. Қорлар босди. Куйдирди офтоб. Недир бахт деб сўрадим, бироқ ўзи билан ўзи овора бахтсизлар ҳам бермади жавоб.

1978

ЕТИМ

Оғзим тўла ҳаёт,
Бинафшанинг шамоли.
Мен шўх болакайман,
Отаси ташлаб кетган,
Онаси ташлаб кетган.
Оғзимга тўлиб қолган ҳаёт.

1979

* * *

Яна жимлик, яна сукунат,
Тўлиб кетар ҳеч нарсадан дил.
Ҳеч нарсадан бошланади гап,
Ҳеч нарсани сўзлар яна тил.

Қичқиради безабон хулё,
Сукунатда қийналади жон.
Ҳеч нарсани тан олмас, гўё
Ҳеч нарсадан бошланган жаҳон.

1967

КЎКСИМНИНГ ЧАП ТОМОНИ ТИНСИЗ ОҒРИР, пичоқланар, кўзларимга тинчлик бермас у. Кўзларимнинг эса қўллари йўқдир кўксимга санчилган пичоқни суғуриб олмоққа. Бу пичоқнинг дастаси ҳам йўқ.

1981

ГЎЁКИ МЕН ҲАММА НАРСАНИ ДАФЪАТАН ТОПГАНДЕКМАН ҚАЙТАДАН ДАФЪАТАН мукофот сингари эски тортган аламлар ҳақи. Эҳтимол, ҳамма нарсани йўқотгандирман ДАФЪАТАН ҳамма нарсани топганим замон.

1982

* * *

Синиқ осмон, бир юлдуз мудрар,
Ғамли юлдуз танҳо, бенаво.
Қора дунё қўйнига судрар,
Кўзларига чанг ютган ҳаво.
Синиқ осмон, бир юлдуз мудрар.

Осмон, юзларингни ювиб ол,
Бир чақнасин танҳо юлдузим.
Ёғил, ёмғир, гувла, эй шамол,
Ҳайқир энди ҳавони бузиб.
Осмон, юзларингни ювиб ол.

Тўкилмайдир, ахир, тўлмайдир,
Туркий дунё чил-чил бўлинган...
Танҳо юлдуз нечун кулмайдир
Йиқилиш олдидан қўлимга?

Тўкилмайдир Дунё, тўлмайдир...

1980

ШУҲРАТ АБДУРАШИД[69] МОЗОРИДА

Ўлган ўлди. Кетди.
Дўстларингга хиёнат қилганмидинг, дўстим?
Билмадим.

Ўлган ўлди. Кетди.
Сен хотинингга хиёнат қилганмидинг?
Билмадим.

Ўлган ўлди. Кетди.
Ватанингга хиёнат қилганмидинг сен, ахир?!
Билмадим.

Ҳаммасини қилишар
Ўлмаганлар.
Ўлган ўлди. Кетди.

1980

ЖАСОРАТ

Кўзларингга ишонмайсан жасорат кўрсатсам бир кун,
кулиб қўйдинг ҳозир, лабингда порлади истеҳзо,
Юзларингда ачиниш рози. Яратаркан мени табиат
бир қудрат этган эҳсон. Бу менинг Туркистоним.
Бу – одамлик ҳаққим. Мени суйиб қўйди қисмат ва
улуғ халқим. Керак бўлса вулқон каби отилар
жасорат. Кўзларингга ишонмайсан кейин...

1965

НАСИҲАТНИ ЧУҚУР ТУШУНИШ

(Ҳазил)

Устознинг муборак ўгити текин,
Доим қилар эди у бир насиҳат,
Дерди, айтганимни қилгин-у, лекин
Яна қилганимни қилмагин фақат.

Қаттиқ тутиб олдим устоз этагин,
Насиҳатин камтарликка йўйдим мен.
Барча айтганини қилдим-ку, лекин,
Э воҳ, қилганин ҳам қилиб қўйдим мен.

1980

СУНБУЛА

1. Тўкилиш олдида, гулим, эҳтимол,
Сенга боқиб кўнглим уйи бузилди.
Хомуш тортиб, жунжикиб қўйди шамол,
Бир узим узумнинг юзлари сўлди.

Совуқ осмон юзида изғир кўзим,
Хотирамнинг тасбеҳлари тизилди.
Қайғулиман, қонга қоришган сўзим,
Тасбеҳимнинг чайир ипи узилди.

Қайдандир бу нидо, ҳазин ва карахт?!
Нечун кетмас қора қарғалар нари?
Қаранг, ингиллаган итларга қаранг.

Сирли энтикади яланғоч дарахт,
Бари унутилиш истайди, бари...
Сунбуланинг симлари кескир, таранг.

2. Қўй, бўлди. Гапирма. Кечирма мени,
Кўзингдаги тошни ғичирлатма, бас.
Қуйилмоқда кундузнинг аччиқ туни,
Ичиб ташламасам мен уни бўлмас.

Тўхта. Бас қил. Гапирма. Бўлди.
Ўзим гуноҳкорман. Мендан бу кўрлик...

Зангор япроқларнинг бағрида шўрлик
Кеча шовуллаган шамоллар ўлди.

Бир сўз тополмайман сенга, севгилим,
Сўзлар, сўзлар қолур бўғзимда қотиб,
Билмайман нақадар севаман сени.

Бу пайт фалакларга соврилар кулим,
Ерга тўкиламан сени йўқотиб
Шивирлаб шамоллар марсиясини.

3. Тўлғонган сочларинг қора илондир,
Вужудимга ташлар англанмас қўрқув.
Очилган бағримнинг дарди нолондир –
Сенинг кўзларингдек теран, қоронғи.

Илон сочларингни шамол ўйнайдир,
Узилган барг каби қалтирайдир жон.
Эзилган юракни эзиб тўймайдир,
Гулим, кўзларингга беркинган жаҳон.

Ғимирлар кечанинг қоп-қора тани,
Сочларинг илони танимни ёқар,
Бағримни эзишга яна шайланиб

Дарё бўлиб сенинг кўзларинг боқар...
Узайиб, жимирлаб, сувга айланиб
Дарёга лим тўлиб жасадим оқар.

1980

УЙҚУ КЕЛМАЙДИ. ҲЕЧ НАРСАГА БОРМАЙДИ ҚЎЛИМ. МАЖОЛ ЙЎҚ,
тинсиз ҳурар қўшнимнинг ити, йиғлар, балки, хастадир,
соғингандир бирор кимсани, балки, занжирдан бўшатишни
эсидан чиқаргандир эгаси. Мажол йўқ менда,
Ўша итга айланиб қолишни истайман шу пайт.

1979

ДЎСТИМ, МЕНГА ДОИМО ОЧИҚ ЮЗ БИЛАН БОҚАР ЭДИНГ-КУ,
алдамас эдинг-ку, риёкорлик қилмас эдинг-ку.
Нима бўлди сенга, нима бўлди, ахир? Нечун менга ўзингнинг
шахсий касаллигингга қарагандек қарайсан?
Нима бўлди сенга?

1970

МИКЕЛАНЖЕЛО[70] СЕВГИСИ

Севгим, мен нақадар севаман сени.
МИКЕЛАНЖЕЛО

1. Муқаддас тош менинг севгим, андуҳим,
Радди бало бўлур бу ишқ ханжари.
Дунёни тўлдириб учадир руҳим,
Сен қайси маконда? Манзилдан нари?!

Уфққа бош урар денгиз девори,
Юракда исённинг иссиқ хунлари.
Жимирлар шафқати ёлғон ғамхорим,
Келур оқчорлоқнинг аччиқ унлари.

Денгиз, оқчорлоққа тилайман бардош,
Унга лочин шиддатини бер, қани,
Бағрингга олмай тур, қаноти синган...

Саодат бағишла, эй муқаддас тош,
Бу чексиз оғриқдан халос эт мани,
Менга илҳом керак, мангулик сенга.

2. Ичимдаги ёвга қараб тураман,
Йиллар ўтган сайин у ҳам беқайғу...
Мангуликнинг ҳассасига ураман,
Тақдирнинг ёлғончи шевасидир бу!

Қиш қуёши кезар хаёлга чўмиб,
Ёлғизлик йўлида ёлғиздир ўзи.

Ўзи яратгандир, кетмас кўз юмиб,
Ҳар нарсани кўрар осмоннинг кўзи.

Тул қолган кимсадек осмон азали,
Мозор – дунё узра қилар ибодат,
Мен ҳам унинг каби кўп бор тутилдим.

Ё йиқилмас ёки кулмас тузалиб,
Ер ё ҳаёт, ё мамотдан иборат...
Инсонни севдим мен – Инсонни билдим.

3. Билингиз, қуролим севгимдир фақат,
Унинг ўқларидан бўлдим бахтиёр.
Неки қаҳру ғазаб, макру қабоҳат
Севгимнинг йўлида мағлуб, тор-мор.

Борлиқ ёнса, қуёш айланса кулга,
Юлдузларни тугма каби юлсалар.
Менинг буюк севгим, бир бора кулгин,
Қаҳқаҳанг йўқликни даҳшатга солар.

Аллоҳнинг ишига ҳайрон қоламан,
Қонли товушларнинг ранги: Ўлдир, ос...
Ўтларнинг ичинда куйиб толаман.

Ичим ёнар, ҳар нафасим – эҳтирос,
Фиръавнга[71] сиғинмайман, оломон,
Аллоҳга сиғинаман, севгимга, холос.

1979

ҲУЖЖАТ

Керак. Варақ-варақ қоғоз, сенинг инсонлигинг ҳали оз,
Варақ-варақ қоғоз керак. Шарт. Ортиқча бир матоҳ
доимо сен билан, доимо. Кер-ак. Кера-ак. Вассалом.
Ҳаёт – ҳужжат. Ҳужжат?! Ҳаёт яшар қўйнига ҳужжат солиб,
қайга кетай сендан бош олиб энди? Чекил, варақ-варақ «керак».
Чекил, кўзларимдан ҳар қандай қоғоз. Менда эрк деб аталган бир
ҳужжат бор, холос. Марҳамат. Эркнинг ҳужжати солинган ҳужжат.

1965

БИР ЁНИ БАЛАНД ТОҒ, МУДРАЙДИ БЕСАС,
Бир ёни сўнгсиз қир – ухлайди уйқу.
Ўртада бир қабр – кўзга ташланмас,
Ҳайқириб уйғотар дунёларни у.

1963

АЛЕКСАНДР БЛОК[72]

Билурман, хун ҳақи, ҳалокат ҳақи,
Барибир, мен сени қутлайман, ҳаёт.
А.БЛОК

1. Қора булутларин ўйнар осмон,
Олис юлдузларнинг сирли шуъласи.
Туманли соҳилдан ундар бегумон
Бу сўлғин шамларнинг игналик саси.

Ташналик сасидир, бу – туш, бу – олам,
Кимдир тишлаб олган оловни унда.
О Рус, сен – ёрим, сен – синглим, сен –
Онам,
Қандай олиб чиқай мен сени тундан?

Сира қувиб бўлмас бу қонли тушни,
Куйдиргувчи юлдуз сапчир дафъатан,
Ҳеч синмас руҳ ичра осмоннинг ҳусни.

Томоққа тиқилган кўз ёшим – Ватан.
Ўт ичиндан термакдаман товушни,
Куйиб бўлган нарса куймас қайтадан.

2. Мадор йўқ, қанот йўқ. Тамом. Чарчадим,
Чўқир жигаримни бу ўтрук, ёлғон.
Бу таъна қадимий, бу сўзлар қадим,
Бу совуқ сайёддир кўҳна палахмон.

Ёлғиз менми, ахир?! Дард бор, ҳамдард йўқ,
Бу ёлғон дунёда мен ёлғиз эмас.
Нақадар тиниқдир, зангоридир кўк,
Нақадар ширинди, узундир нафас.

Русия! Йиғлама, кўз ёшингни сот,
Сўйилган ой кезар, у менинг хуним,
Сен билурсан, холос. Бошқа ҳеч бир зот.

Жисмим совиб борар, сўнмоқда уним,
Гирдоб қўйнида мен, қўлингни узат...
Хайр! Бу кун менинг охирги куним.

3. Қайда, қайда қолди ўзғир ғалаён?!
Наҳот, унинг синмас қиличи синди?
Титра, чексиз уммон, сен мудроқ жаҳон,
Темир дарбозангни тепарман энди.

Қара, қўлларим қон, тирноқларим қон,
Тургил, ғафлатингни ётмагил босиб.
Эшикни очсанг-чи, эй ялқов посбон,
Қаршингда мана мен, жаҳон садоси.

Ваҳмзор жаҳонсен қалбимни ёқиб,
Шеърият қаърига шўнғирман ношод.
Русия, Русия, севиб, ютоқиб,

Шўрлик, омон бўл деб топиндим бедод,
Билурман, хун ҳақи, ҳалокат ҳақи,
Барибир, мен сени қутлайман, ҳаёт.

* * *

Ўлтирибман жар ёқасида
Ҳеч нарса ёдимда йўқ,
Олган нафасим ила юзма-юз.
Ҳеч кимни эсламайман ортиқ
Сендан бўлак.
Бўғзимга тиқилиб тирнар
Куйиб кетган юракнинг ҳиди.

1982

БИР КИШИНИНГ ЎЛИМ ОЛДИДАН ЎҒЛИГА АЙТГАНЛАРИ

1. Шоир бўлолмайсан, энди бу аниқ,
Мумкин эди олим бўлишинг, балки,
Ҳеч бўлмаса, бой бўлгин, ахир,
Бу шафқатсиз дунёда, ўғлим,
Фарзандларинг учун яшамоғинг шарт.

2. Имкон йўқ менда, кўриб турибсан,
Яшамак – вужуд сотқинлик қилди.
Ўлим – ҳар кимнинг муқаддас насибасидир,
Ўлим имкони бор сенда ёлғиз –
Ҳақиқатни айтиш имкони.

1980

* * *

Ёнингдан ўтаман – бу сўнгги сафар,
Ўтиб кетмоқдаман сенга тўймасдан.
Шу гаплар, шу гаплар рост бўлса агар,
Нега жим турибсан, ахир, сўймасдан?

Шу гаплар рост бўлса, ёлғизим, йиғлаб
Сенга ўлим тилаб қолар эдим мен.
Йўқ, йўқ, мозорингни ўпиб, тимдалаб
Қайта тирилтириб олар эдим мен.

Ростин айт, мен озлик қилдимми сенга?!
Айт, бир юрак озми? Мана! Тўйдим-ку!
Ўжар севгим билан тегдим жонингга,
Кечир, рашким билан қийнаб қўйдим-ку.

Кечир энди, менинг қуёшим ботди,
Сенга инонмадим. Сен мендан тондинг.
Бир тубан номингни лойларга отди,
Разил кимсаларга нечун инондинг?!

Имон борми дердим ёниб, сиғиниб
Порлоқ тимсолингга, севгилим, бироқ

Ташлаб кетмоқликни ўргандик кўпроқ.
Кел, видолашайлик энди соғиниб.

Менга оғир ичмоқ сенинг кўз ёшинг,
Бошингда ғамларнинг тошлари синди.
Кўриб турибман-ку, тош бўлсин бошинг,
Кел, жимгина видолашайлик энди.

Бу ёруғ дунёда вафо қани? Кел,
Сенга инонмадим – мен телба, ғариб.
Қайга олиб бориб кўмайин, айтгил,
Юрагимнинг жасадини кўтариб?

То вола юрагим шаън либос кийсин,
Токи бир яйрасин сўнгги бор бу жон.
Сенинг кўксинг узра бир ухлаб тўйсин...
Йўқ, ўзгача севолмасман ҳеч қачон.

Ҳеч бир мозор қабул қилмас, йўллар берк,
Бугун юрагимнинг саслари тинди.
Севгилим, сўнгги бор, сўнгги изн бер,
Кел, жимгина видолашайлик энди.

1977

ЎРТАДА

(Ҳазил)

Ўртада қозон-товоқ, ўртада оту эшак, ўртада қошу қовоқ, ўртада ёстиқ-тўшак. Ўртада ному нишон, оқ-қорадир ўртада. Хулласи, икки жаҳон, ҳар балодир ўртада. Ўртада жабдуқ-юган, ўртада якранг палос. Ўртада севги деган бир бало йўқдир, холос.

1982

МУНОЖОТ

Бағримда ғилдирар темирчил ҳаёт,
Изғитқи чивғинда[73] чидамдир бошим.
Фақат сен уйқучан томирин уйғот,
Қизимнинг қўлига куч бер, Қуёшим.
Бағрида лаққачўғ, айланади Ер,
Кулинчим, севинчим, куюк кўз ёшим.
Фақат сен қизғонма, бир кафт меҳр бер,
Илинжим, сиғинчим – буюк Қуёшим.

1982

* * *

Дадахон Ҳасанга

Мен ёлғизман, ғулув, ҳаяжон
Ҳасрати кўксимга қуюлар.
Кўз ўнгимда бу ёруғ жаҳон
Мунгли қўшиқ каби туюлар.

Йироқларда гулдираб оғир
Шивирлайди баҳор товуши.
Аччиқ шамол санчиғи. Ёмғир.
Замин – ойдинликнинг ҳовучи.

Атиргулнинг қўллари синган,
Ёмғир ёғар, оғрир чуқур из.
Ҳаяжоннинг тили кесилган.
Мен ёлғизман. Овозим ёлғиз.

1980